

ISSN: 2181-3558

«SCIENCE AND RESEARCH»

JOURNAL

OF INTEGRATED EDUCATION
AND RESEARCH

INTEGRATSIYALASHGAN
TA'LIM VA TADQIQOT JURNALI

ЖУРНАЛ ИНТЕГРИРОВАННОГО
ОБРАЗОВАНИЯ И ИССЛЕДОВАНИЙ

THE JOURNAL OF
INTEGRATED
EDUCATION AND
RESEARCH

ISSN 2181-3558

VOLUME 3, ISSUE 3

COLLECTION B

MARCH 2024



MUNDARIJA

B: Falsafa. Filologiya. Pedagogika. Psixologiya. Metodika. San'atshunoslik. Sotsiologiya. Islomshunoslik. Iqtisod. Yuridik fanlari

Abdullayev U.U., Nurbayeva X.B. O'qituvchining faoliyati va pedagogik mahorati2

Yarjeva Z.Sh. Ingliz tili o'rganuvchilarga lug'atni o'rgatishning samarali usuli ("ESA" metodi)6

Тешаева Д.Р., Ибрагимова С. Вопросы повышения свойств засолоустойчивости сортов озимой пшеницы в почвенно-климатических условиях Бухарской области8

Samadova Z.N. Xorijiy(ingliz) tilini o'qitishda o'quvchilarning og'zaki nutqini o'stirish12

Axmatxonova M., Shokirov A. Yuqori samarali suyuqlik xromatografiyasi (HPLC) yordamida dekserich suyuq ekstraktidagi rutin konsentratsiyasini tahlil qilish16

Axmedova M.E., Abdullayev M.Q. Chaqiriqqa qadar boshlang'ich tayorgarlikni tashkil etish va uni o'qitishda kredit tizimida nazariy bilimlarni oshiruvchi mustaqil ta'lim topshiriqlari tuzish usullari20

Каюмов В.М. Роль наблюдения в методологии исследований внеурочной деятельности27

Sayfullojeva N.G'. Barkamol avlodni sog'lom qilib tarbiyalashda badiiy gimnastikaning o'rni31

Axmatxonova M., Shokirov A. Анализ концентрации рутина в жидком экстракте дексерич с использованием высокоэффективной жидкостной хроматографии (ВЭЖХ)35

Азизова Н.А., Ғозиева Г.А., Нормаматова М.Ш. Асалари личинкаларининг она асалари етиштиришда аҳамияти40

Сафарова З.Т. Халқ ҳаракатли ўйинларини жисмоний тарбия дарсида қўллашнинг физиологик афзалликлари44

Рахимова М.Ш. Применение методов функциональной тренировки для повышения скоростно-силовой подготовленности каратистов47

Abdullayev I.A., Sotvoldiyev A.A., Xodjimatoва G.D. Devor konstruksiyalarini issiqlikni himoya qilish xususiyatlarini kamaytiradigan omillar54

Джабборкулова Д.С. Современные интерактивные средства и методы в процессе обучения русскому языку как иностранному60

Назирев У. Меҳнат қонунчилигида қафолат: иш жараёнида ходим соғлиғига етказилган зарарларни қоплаш65

Абдурахимов А.А. Ўзбекистонда туризм соҳасининг ривожланиши (Тошкент вилояти мисолида)67

АСАЛАРИ ЛИЧИНКАЛАРИНИНГ ОНА АСАЛАРИ ЕТИШТИРИШДА АҲАМИЯТИ

Азизова Нодира Абдувахитовна
Бухоро давлат университети ўқитувчиси

Ғозиева Гуландом Абдувоҳидовна
Бухоро давлат университети ўқитувчиси

Нормаматова Мухайё Шухратовна
Бухоро давлат университети талабаси

Аннотация. Бухоро вилояти шароитида она асалари личинкасида она асалари етиштириш аллоҳида аҳамият касб этади. Она асалари етиштириш учун 1-12 ва 12-24 соат мобайнида ривожланиб турган личинканинг ўзига хос хусусиятлари, асалари личинкаларини 2 хил усулда пайвандлаш, яъни табиий асалга ва асалари сутига пайванд қилинганлиги, натижада 1-12 соатлик личинкалар асалари сутига пайванд қилинган тажрибамиз юқори кўрсаткичларни қайд этилгани ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: сифатли она, мум косача, асал, асалари сути, озуқага пайванд қилиш, 1-12 соатлик личинка, 12-24 соатлик личинка, пайвандловчи рамкалар, тарбияловчи оила.

Аннотация. В условиях Бухарской области особое значение имеет разведение пчелиных маток из личинок пчелиных маток. Для выращивания пчелиных маток характерны особенности развития личинок в течение 1-12 и 12-24 часов, прививка личинок пчел 2 разными способами, то есть прививка на натуральный мед и пчелиное молоко, в результате В нашем опыте прививки 1-12-часовых личинок на пчелиное молоко отмечены высокие показатели.

Ключевые слова: качественная мать, восковая чашка, мед, маточное молочко, прививка на корм, 1-12-часовая личинка, 12-24-часовая личинка, прививочные рамки, выращиваемая семья.

Мавзунинг долзарблиги: Асаларичиликда она асаларини етиштириш 2 усулда яъни табиий ва сунъий усулда етиштирилади. Ҳозирги кунда сунъий усулда она асалари етиштириш кенг тус олган. Сунъий усулда она асалари етиштириш даврида пайвандлаш рамкалари катта аҳамиятга эга. Сунъий усулда она асалари етиштириш технологияси ўзининг ихчамлиги ва тез фурсатларда керагича миқдорда сифатли она асалари билан таъминлаш имкониятига эга. Шунинг учун ҳам вилоятимизда кўпчилик асаларичилар айнан ана шу усулни афзал кўрадилар.

Пайвандлаш рамкалари бошқа рамкалардан бироз фарқ қилиб, у озгина ингичка юпқа ҳажмга эга бўлади. Ўрта қисмида, ўз ўқи атрофида айланадиган уч қатор рейкалари бўлади.

Кейинги йилларда ҳорижий давлатларда сунъий усулда она асалари етиштириш кенг авж олмоқда. Шуларни ҳисобга олиб биз ҳам Бухоро вилояти шароитида маҳаллий популяциядаги асаларилардан сунъий усулда она асалари етиштириш биотехнологияси ва уларни асалари оиласи махсуддорлигини оширишда қўллашни мақсад қилиб олдик.

Вилоятимизда кўпчилик асаларичилар сунъий усулда она асалари етиштиришда мум қосачаларида, личинкаларни олиб ўтказиш мақсадида асал ва асалари сутидан фойдаланадилар. Шуларни ҳисобга олиб, маҳаллий популяциядаги асалари оилаларидан сунъий усулда она асалари етиштиришда, икки хил йўлдан илмий тадқиқот ишларимизда фойдаландик. Сунъий усулда она асалари етиштириш учун оналик ва тарбияловчи оилалар ўхшашлик асосида танлаб олинди ва оила кучи, она асалари ёши, уядаги озуқа захираси ҳамда асалари касалликлари йўқлиги аниқланди, тажриба ва назорат гуруҳлари танлаб олинди.

Тажриба ўтказиш даврида личинкаларнинг бир кунлик даври аниқланиб олинди. Бунинг учун 1-12 соатлик ва 12-24 соатлик ёшдаги личинкалар танлаб олинди, тадқиқот натижалари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Она асалари етиштиришда личинкаларнинг ёшига қараб қабул қилиниши, 2021 йил

Личинкаларни олиш вақти (соат)	Асалга			Асалари сутига		
	личинка берилди	личинка қабул қилинди	%	личинка берилди	личинка қабул қилинди	%
1-12	108	90	83,3	36	34	94,4
12-24	70	58	82,8	36	31	86,1

1-жадвал маълумотларини кўрсатишича, она асалари етиштиришда асал озуқасига пайванд қилинган личинкаларни қабул қилиш даражаси, асалари сути озуқасига пайванд қилинганларга нисбатан, анча фарқ қилди. Бу кўрсаткич асалари сути озуқасига пайванд қилинганларнинг 1-12 соатлик личинкаларда 94,4 %-ни ва 12-24 соатлик ёшга эга бўлган личинкаларда эса 86,1 % ни ташкил этди, ёки бу кўрсаткич асал озуқасига пайванд қилинганларга нисбатан 8,3 % га кўпдир.

Тарбияловчи асалари оилаларида асал озуқасига пайванд қилинган 1-12 соатлик личинкаларнинг 108 тасидан 90 таси қабул қилинган, бу эса 83,3 % ни ва 12-24 соатлик ёшга эга бўлганларида эса 82,8 % ни ташкил этган. Асалари сутига пайванд қилинганларда эса бу кўрсаткич 94,4 ва 86,1 % ни ташкил этди. Албатта, асал озуқасига пайванд қилинганларда бу кўрсаткич

анча паст бўлган, асалари сути озуқасига пайвандланганда эса анча баланд бўлган. Маълумки, она асалари етиштиришда личинкаларни мум косачаларига пайванлаш учун олиб ўтказилганда мум косачаси ичидаги озуқалар асалари личинкалари организмга ва унинг озикланишига бошқача таъсири этувчи хусусиятга эга бўлган муҳитга тушади. Бу эса она асалари етиштиришда онадонларни куриш хусусиятларига ва она асаларининг сифат кўрсаткичларига ҳам маълум даражада таъсир этди. Шу мақсадда, маҳаллий популяциядаги асалари личинкаларидан сунъий усулда, иссиқ иклим шароитида, она асалари етиштириш мақсадида тажрибалар ҳам олиб бордик.

Асалари сутини олиш мақсадида личинкалари 2-2,5 кунлик бўлган асалари уясидаги онадонлардан олинди. Асалари сути олишни энгиллаштириш мақсадида тиббиётда ишлатиладиган 1 мл-ли шприцлардан фойдаландик. Бу шприцлар асалари сути билан тўлдирилганда, уларнинг 50-60 та мум косачаларидаги личинкаларни озиклантиришга ва пайвандлаш учун етарли бўлди.

Хулоса.

Она асалари етиштиришда ҳар хил озуқаларга иккала усулда асалари личинкаларини асалга ва асалари сути озуқаларига пайванд қилинганда она асалари юқори даражада ўсган ва ривожланган ҳамда унинг вазнига бирмунча таъсир этган. Хусусан, асалари личинкаларини шу оиладаги асалари сутига пайванд қилинганларда личинкаларни қабул қилиниши 94,4 % га ошган ҳамда она асаларининг вазни $191,6 \pm 1,28$ mg.га етган. Бу эса эрта баҳордан асаларичилик-наслчилик хўжаликларида сунъий усулда она асалари етиштиришни бошлаш ва шу тариқа оила маҳсулдорлигини оширишда ижобий таъсир қилинишидан далолат беради. Асалари сути оиланинг маҳсулдорлигини оширишда катта аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар

Азенко М, Ленский И, Развития маток из личинок женских особей медоносной пчелы получовиных молочко рабочих пчел. Материалы XXV Международный конгресс по пчеловодство-Франция, 1975, стр. 263-269.

Тўраев О. Асалари тухумидан она асалари етиштириш истикболлари "Зооветеринария" журнали 2012, №1, 46-47 бетлар.

Тўраев О., Дониёров С.Т., Азизова Н.А., Махмадияров О.А. Искусственных вывод маток на пасаках. Ипакчилик институти 90 йиллигига бағишланган материаллари тўплами. Тошкент, 2017, 290-293 бетлар.

Тўраев О., Дониёров С.Т., Азизова Н.А., Махмадияров О.А. Сунъий усулда она асалари етиштиришда личинкаларни пайвандлашнинг муҳим босқичлари. Ипакчилик институти 90 йиллигига бағишланган материаллари тўплами. Тошкент, 2017, 293-300 бетлар.

Тўраев О., Икрамов Б., Салямов С. Она асалари етиштиришда тарбияловчи асалари оилаларида личинкаларнинг қабул қилиниши. Фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси кишлок хўжалиги самарадорлигини муҳим омиллари республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплам. Самарқанд, 2013, II қисм, 89-91 бетлар.